

А Ж Р И М

2022 йил январь ойининг “22” куни, Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди, туман 1-сонли ички ишлар бўлинмаси биносидан, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: А.Улмасов,

котиб (судья ёрдамчиси) С.Уктамжонованинг котибалигида, томонлардан: Фарғона вилояти Олтиариқ туман прокурорининг ўринбосари Ф.Тўйчиев, маҳкум О.Рахимкулов ва Олтиариқ тумани “Samarali himoya sari” адвокатлик бюросининг адвокати З.Матмусаева ҳамда Фарғона вилояти Олтиариқ туман ички ишлар бўлими Пробация гуруҳи инспектори Ш.Хомидовларнинг иштирокида,

Рахимкулов Отабек Холмат ўғли (Rahimqulov Otabek Holmat o`g`li), 1993 йил 12 май куни Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, бир нафар вояга етмаган фарзанди бор, Олтиариқ туман “Yangiqo`rg`on ko`rki saxovati” фермер хўжалигида ишчи, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, “Навбахор” маҳалласи, Деҳқонобод кўчасининг 10-уйида яшайдиганга

нисбатан Фарғона вилояти Олтиариқ туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо турини ўталмай қолган қисмидан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини иш ҳужжатлари билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Маҳкум Рахимкулов Отабек Холмат ўғлига Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2021 йил 18 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 112-моддасининг 1-қисми билан, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда **1 (бир) йил** муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Тақдимномада, маҳкум Рахимкулов Отабек Холмат ўғли Фарғона вилояти Олтиариқ туман ички ишлар бўлимининг Пробация гуруҳи томонидан 2021 йил 17 июль куни ҳисобга олинган, маҳкум О.Рахимкулов 2021 йил 19 июлдан Олтиариқ туман “Yangiqo`rg`on ko`rki saxovati” фермер хўжаликда ишлаб келиб, жазони ўтаб келаётганлиги, О.Рахимкулов жазо ўташ даврида иш жойидан ижобий тавсифлангани, маҳкум О.Рахимкулов билан профилактик суҳбатларда қилган ишидан пушаймонлигини билдирганлиги сабабли, О.Рахимкуловни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш сўралган.

Маҳкум О.Рахимкулов ҳозирги кунга қадар ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг **7 ой 4 кунини** ўтаган, ўталмай қолган жазо муддати **4 ой 26 кунни** ташкил қилади.



Суд мажлисида Фарғона вилояти Олтиариқ туман ички ишлар бўлими Пробация гуруҳининг инспектори **Хомидов Шухратжон Бахтиёр ўғли**, туман ички ишлар бўлими бошлиғининг тақдимномасини қувватлаб, Рахимкулов Отабек Холмат ўғлига ахлоқ тузатиш ишлари жазо турини ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилгани ва у 2021 йил 19 июль кунидан буён жазо муддатини ўтаб келаётгани, О.Рахимкулов жазо ўташ даврида иш ва яшаш жойидан фақат ижобий тавсифланиб келгани, О.Рахимкулов билан профилактик суҳбатларда қилган ишидан пушаймонлигини билдирганлиги сабабли, О.Рахимкуловни тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш юзасидан тақдимнома киритилганини билдириб, кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида маҳкум **Рахимкулов Отабек Холмат ўғли**, тақдимномани қувватлаб, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, унга тайинланган асосий ахлоқ тузатиш ишлар тариқасидаги жазони тегишли қисмини ўтаганини инобатга олиб, уни ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўраб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд, маҳкум О.Рахимкулов ва Фарғона вилояти Олтиариқ туман ички ишлар бўлими Пробация гуруҳининг инспектори Ш.Хомидовнинг кўрсатувларини, адвокат З.Матмусаева ҳамда туман прокурори ўринбосари Ф.Тўйчиевнинг тақдимномани қаноатлантиришни сўраб берган хулосаси ва фикрини тинглаб, юқорида баён этилганларга кўра, шунингдек О.Рахимкуловни қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, иш жойидан берилган ижобий тавсифномани, ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб келаётганини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда Фарғона вилояти Олтиариқ туман ички ишлар бўлими бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топади.

Чунки, маҳкум О.Рахимкулов 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг **7 (етти) ой 4 (тўрт) кунини** ўтаган. Жазони ўташ даврида маҳкум О.Рахимкулов белгиланган тартиб-қоидаларни бузмаган ва ножўя хатти-ҳаракат содир қилмаган, аксинча иш жойида бенуқсон ишлаб, ижобий тавсифланиб тузалиш йўлига ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиши мумкин.

Айни ҳолатда маҳкум О.Рахимкуловнинг содир қилган жиноий ҳаракати **ижтимоий хавфи катта бўлмаган** жиноятлар туркумига киради ҳамда у суд томонидан тайинланган жазо муддатининг учдан бир қисмининг кўпроғини ўтаган бўлиб, унга мазкур моддани қўллаш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмас.

Шу сабабли суд, маҳкум О.Рахимкуловни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан, ўталмай



қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 536, 541-542-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Фарғона вилояти Олтиариқ туман ички ишлар бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум **Рахимкулов Отабек Холмат ўғли** (Rahimqulov Otabek Holmat o`g`li)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисми “а” банди қўлланилиб, у Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2021 йил 18 июндаги ҳукми билан тайинлаган жазо яъни, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, ўталмай қолган **4 (тўрт) ой 26 (йигирма олти) кунини** ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Ажрим нусхаси, ижро учун Фарғона вилояти Олтиариқ туман ички ишлар бўлимига ҳамда манфаатдор томонларга, маълумот учун юборилсин.

Маҳкум Рахимкулов Отабек Холмат ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд, ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши тўғрисидаги қоидалар тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма сутка ичида, шу туман суди орқали, Фарғона вилоят судига хусусий тартибда шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

А.Улмасов

Ажрим нусхаси аслига тўғри



Хужжат имзоланган: Улмасов Ахаджон Ахмедович, 27.01.2022

